

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛЬТЕТИ

“АУДИТ” КАФЕДРАСИ

САМАДҚУЛОВ МУҲАММАДЖОН ИСЛОМ ЎҒЛИ

**“ЁҒ-МОЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА
МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ”**

5230900 -“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)” таълим йуналиши бўйича
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

“Аудит” кафедраси мудири

и.ф.н., доц. И.Н.Қўзиев

“ ” 2015 й.

Илмий раҳбар: _____ к.ўқ.Қўшматов О.

“ ” 2015 й.

ТОШКЕНТ – 2015

Мундарижа:

К и р и ш	3
I боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари	7
1.1. Молиявий натижалар кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳияти	7
1.2. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг мақсади ҳамда вазифалари	16
II боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолати	23
2.1. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилиш	23
2.2. Тақсимланмаган фойдани ҳисобга олиш ва уни тақсимлаш тартиби	36
2.3. Молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари	41
III боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида миллий стандартлар асосида молиявий натижалар аудитини ташкил этиш	50
3.1. Молиявий натижалар аудитини режалаштириш ва аудит ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш	50
3.2. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларини шакллантириш ва фойдадан фойдаланиш аудити	56
Хулоса	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	69
Иловалар	72

К и р и ш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг молиявий ҳолатини янада яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалалари каторига киради. Модернизациялаш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларини олдини олиш, иқтисодиётни тадрижий ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот таннархини пасайтириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларига ички талабни рағбатлантириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг оладиган фойдаси ошиши таъминланади.

Иқтисодиётнинг ҳозирги шароитида корхоналарнинг фаолиятида асосий кўрсаткич улар фаолиятининг молиявий натижаси - фойда ҳисобланади. Фойда миқдорининг ошиб бориши иқтисодий субъектнинг молиявий барқарорлигини ошириш, рентабеллик кўрсаткичларининг яхшиланишига олиб келади.

Дарҳақиқат, юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”¹.

Дарҳақиқат, корхона ихтиёрида қоладиган маблағнинг кўпайиши, фойда ҳажмининг ошиши хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. “– Т. О‘zbekiston, 2015 й.9-бет

чиқариш фаолиятини кенгайтиришга имкон бермоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фойданинг корхона фаолиятини таъминлашнинг узок муддатли манбаи сифатидаги роли ошиб бормоқда, ва айти пайтда у фаолият самарадорлигини баҳоловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиёт субъектларида молиявий натижаларнинг ҳолати, уларнинг ўзгариши хусусида маълумотларга эга бўлишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўрни бекиёсдир. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни билмасдан туриб, халк хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳақиқий рақобатни вужудга келтириш қийин.

Молиявий натижалар ҳисоби молиявий ҳисобнинг таркибий ҳисми ҳисобланади. Молиявий натижалар ҳисобини тўғри, хатосиз юритиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, молиявий натижалар корхонанинг якунловчи қисмини ташкил қилади. Корхонанинг бутун фаолиятини тўғри акс эттиришда, “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисобот (2-шакл) дан фойдаланиб, корхонанинг фойда ёки зарар билан чиққани аниқланади.

Ҳозирги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот олдингисидан тубдан фарқ қилади. 2002 йил 27 декабрда Молия Вазирлигининг 140-сонли буйруғига асосан “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисоботнинг янги шакли ишлаб чиқилди.

Ушбу “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисобот ҳам сатрлар сони, ҳам кўрсаткичлар жихатдан фарқ қилиб мукаммал ишлаб чиқилган. Чунки молиявий ҳисоботдан бозор иқтисодиёти шароитида янги фойдаланувчилар, даставвал акционерлар, инвесторларнинг вужудга келиши, шунингдек, уларнинг янги ахборотларга бўлган талабларини қондириш билан тавсифланади.

Бугунги кунда молиявий натижалардан самарали фойдаланишда, авваламбор, уларни ҳисобга олиш ҳамда аудит қилиш ўта долзарб

муаммолардандир. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги битирув малакавий иш мавзусини ва йўналишини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишнинг мақсади ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришдан иборат.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- молиявий натижалар кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;

- молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг мақсади ва вазифаларини белгилаш;

- молиявий натижаларининг ҳисобини ташкил қилиш тартибини тадқиқ қилиш;

- тақсимланмаган фойдани ҳисобга олиш ва уни тақсимлаш тартибини ўрганиш;

- молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- молиявий натижалар аудитини режалаштириш ва аудит ўтказиш усулларини ишлаб чиқиш;

- ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларини шакллантириш ва фойдадан фойдаланиш аудитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг предмети. Битирув малакавий ишнинг предмети ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини ташкил этишга оид муносабатлар тизими ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида “Гулистон Экстракт Ёғ” акционерлик жамиятининг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан кенг фойдаланилди.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.

Битирув малакавий ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга оид меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, битирув малакавий ишда амалий тавсиялар ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини тўғри ташкил қилиш имконини беради.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари

1.1. Молиявий натижалар кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳияти

Бозор иқтисодиётида барча ҳаракат, фаолиятнинг натижаси фойда ва зарардир. Лекин ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонава ташкилотлар учун фойда олиш афзалдир. Фойда олишни кўпайтириш жамият манфатига ҳам мос келади. Чунки иқтисодий фаолиятнинг юқори фойдалилиги индивидуал фойданинг кўпайиши билан умуммамлакат миллий даромадининг ортишига олиб келади. Айтиш мумкинки, фойда миқдори ва унинг даражаси бозор иштирокчиларининг, айниқса тадбиркорларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланади. Фирма ва компаниялар, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар қайси тармоқ ва фаолият фойдани кўпроқ келтирадиган бўлса сармояни шу ерга жалб қилиб ва барча имкониятларини ишга солиб шу фаолиятни ривожлантириш, рентабеллик даражасини оширишга, кўпроқ фойда олишга интиладилар. Агар мазкур соҳада капитал ўзини оқламаса, фойда келтирмаса ва бозорда ўз ўрнини топа олмаса инвестор капитални бу ердан олиб, бошқа янада даромадлироқ бўлган тармоққа ташлайди. Шунга кўра нима билан шуғулланишни қандай фаолиятга қўл уришни шу фаолиятдан келадиган фойда белгилаб бериши мумкин.

Фойда олиш учун яширин иқтисодий фаолият — тақиқланган ишлар билан шуғулланиш ҳаракатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу кўп ҳолларда кўпроқ фойда олиш мақсадида солиқдан қочиб, яширин ишлаб-чиқариш цехлари, давлат рўйхатидан ўтмаган, ҳеч қандай лицензиясиз товар савдоси билан шуғулланадиган дўконлар ва чакана фаолият билан шуғулланувчи, рухсатномасиз, ҳисоб рақамига эга бўлмаган тадбиркор ва савдогарлардир. Бундан ташқари мўмайгина даромад олиш мақсадида мамлакат ҳудудидан наркотик моддалар ва контрабандани пуллаш ёки

транзит усулида олиб ўтиб бошқа чет давлатларда сотиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Буларга қарши эса ўз навбатида қонун ҳимоячилари ва назоратчилари (божхона посбонлари ва солиқ бўлимлари ходимлари, чегарачилар, милиция ва ҳоказо) курашадилар. Бу албатта умумий ҳолат эмас. Буни ҳаттоки бозорнинг умумий ички қонунларининг бузилиши, сунъий ҳолатнинг юзага келиши ёки умумий бозор ҳаракатидан чекиниш дейиш мумкин.

Бозор иштирокчилари, шу жумладан тадбиркорларнинг манфаати халқ истеъмоли туфайлигина рўёбга чиқади. Ишлаб чиқарилаётган товарлар, маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишлар таклиф мазмунига эга бўлсагина улар истеъмолга йўл олади, бошқача қилиб айтганда сотилади. Истеъмолсиз талаб бўлмаганидек, таклифсиз ҳар қандай товар ва хизматнинг ҳариди, истеъмол қилувчиси бўлмайди.

Демак, талабсиз фойда юзага келмаслиги керак. Бозор қонуниятининг мазмуни ҳам шундан иборат ва бозор шароитида даромад олиш, фойда қилишнинг бошқача усули бўлиши мумкин эмас. Фойда механизмининг таъсири ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятини истеъмолчи манфаатига қаратади, чунки шу йўл орқалигина фойда олишни билади.

Фойдани юқори даражага кўтариш бозор иқтисодиётидаги энг муҳим кучдир. Фойда нормал ва юқори бўлиши мумкин. Нормал фойда олмаслик фаолият юритишни ўзгартириш чораларини қўллашга ундайди. Аҳвол оғирлашганда вақтинча фойдадан воз кечиб, тижорат фаолиятни давом эттириш чегарасида бўлинади.

Фойданинг камайишига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Бу омилларни аниқлаш салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида учрайдиган тўсиқларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқишда бизга таҳлил ёрдамга келади. Мисол учун, фойда бир жиҳатдан ишлаб-чиқариш самарадорлигига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш

учун ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жалб қилиниши, ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, иш сифатини яхшилаш ва ҳокозолар ижобий таъсир кўрсатади.

Молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш, мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ. Чунки ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланади.

Товар-пул муносабатлари шароитида ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона даражасида соф даромад фойда шаклини олади. Товарлар бозорида ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналаринисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни

истеъмолчиларга сотадилар. Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, унда фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонахаражатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим категорияси сифатида талқин этиш мумкин.

1. Фойда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани характерлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради, шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришга ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг харажатларига боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонамолиявий ресурсларининг

асосий элементи ҳисобланади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг реал таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаихтиёрида қоладиган соф фойда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

2. Фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида бюджетларга келиб тушади ва бошқа даромад тушумлари билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришни таъминлаш, давлатнинг инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади.

Иқтисодиёти модернизациялаш шароитида фойданинг аҳамияти жуда катта. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Фойдага иқтисодий категория сифатида қараганда, у ҳақда абстракт ҳолда гапирилади. Лекин ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришда ҳамда баҳолашда, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу ёғ-мой ишлаб

чиқариш корхоналарининг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир. Маҳсулот сотиш дейилганда, нафақат, натурал-моддий шаклга эга бўлган ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, балки ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳам тушунилади. Охирги молиявий натижа сифатида фойда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг барча хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак, йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

Иқтисодиёти модернизациялаш шароитида ҳар бир ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона ўзининг ишлаб чиқариш тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафақат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, зарар ҳам ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонафаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасамара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларида фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин.

Фаолият юритишнинг ҳозирги тизим шароитида фойда кўрсаткичи ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий ва ахборот маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ва эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш ҳаридор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағи ҳисобидан қоплашидир. Бу дегани ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонамаҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг

бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳам соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улар йуналишлари бўйича бир биридан фарқ қилади. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун сарфланади. Бу солиқлар давлат бюджетининг фойдаси бўлиб, товарларни сотувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматлар кўрсатувчи фирма ва компаниялардан белгиланган фоиз ставкалар асосида ундирилади ва бюджетга ўтказилади. Бу давлат бюджети фойда қисмининг бир бўлагини ташкил қилади.

Фойда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона даромадининг бир қисмини ташкил қилади. Кўпгина одамлар фойда ва даромад тушунчаларини адаштиришади. Аслини олганда фойда бу даромаддан турли хил чегирмалари ва бошқа харажатлар айриб ташлангандан сўнг ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаихтиёрида қоладиган даромаднинг бир бўлаги. ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонава ташкилотлар фойдани турли мақсадларда сарф қилишлари мумкин ва бу ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонатаъсис хужжатлари, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонарахбари ёки акциядорлар йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

Иқтисодиёти модернизациялаш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил этади,

капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молиявий натижалар миқдорига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг ўзгариб туриши ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молия натижалари аниқланиши лозим. Аниқланган молия натижалари ҳақиқатни тўғри, аниқ акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналаридабухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда миқдорини камайиши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайишига ва бу ўз навбатида бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорининг камайишига олиб келади. Зарарга ишлайдиган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари эса охир оқибатда «синади» - инқирозга юз тутди. Бошқача қилиб айтганда ўзининг бошқа иқтисодий субъектлар олдидаги қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларини қоплай олмайди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, амалдаги қонунларга кўра яхши ишлайдиган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам зарарга ишлайдиган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари ўз харажатларини ўзлари қоплашлари, бунинг учун уни қоплаш йўллари излаб топишлари керак.

Фаолият юритишнинг ҳозирги шароитида иқтисодий таҳлилни ташкил этишда муҳим ўзгаришлар, сезиларли ислохотлар олиб борилмоқда. Фаолият юритувчи субъектларнинг ўз хўжалик муомилаларини акс эттиришда ҳуқуқлари кенгайтирилди. Улар мустақил равишда ишлаб чиқариш заҳираларини баҳолаш усулларини, маҳсулот (иш хизматлар) таннархини ҳисоблаш усулларини танлайдилар, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқадиладар. Бошқача қилиб айтганда ҳозирги вақтда марказлаштирилган усулда фақат бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари ўрнатилади, уларни аниқлаш ҳамда бажариш механизми эса ҳар

бир ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонава ташкилотда ўзининг фаолият юритиши шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт ривожланишининг асоси, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонафаолияти самарадорлиги кўрсаткичи, унинг яшовчанлиги манбаидир. Фойданинг ўсиши ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг кенгайтирилган ишлаб чиқаришини шакллантириш, ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини қондиришнинг молиявий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши фойданинг ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонава давлатнинг иқтисодий эҳтиёжлари ҳаракатининг моддий асоси сифатидаги ўрнини оширмоқда. Умумдават эҳтиёжларининг қондирилиши, солиқ тўловлари воситасида амалга оширилади. ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаиқтисодий эҳтиёжларининг амалга оширилишига асос бўлиб, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаихтиёрида қолувчи фойда ҳисобланади ва унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишининг асосий манбаидир. Шу сабабли молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойданинг ишлатилиши бўйича хўжалик муомилаларини текширишнинг асосий мақсади фойда (зарар)ни аниқлашнинг тўғрилигини ҳамда бюджетга тўловларни ўтказиш бўйича ҳисоблашишларнинг тўғрилигига амал қилинаётганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда ёғ-мой ишлаб чиқариш корхона ташкилот ва муассасалар фаолиятининг молиявий натижасини тавсифлайдиган кўрсаткич бу – ялпи (баланс) фойда ёки зарардир. Бу кўрсаткич кўпгина таҳлилий ишларда кўп ишлатилади.

Бизнес режасиз, амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиб туриши керак бўлган акциядорлар, ишбилармон ҳамкорлар жамоасини ташкил қилиш, уларсиз иш юритиш қийин бўлган маҳаллий ва чет эл акциядор (инвестор) ларни жалб қилиш, давлат ва тижорат банкларидан кредит олиш мумкин эмас.

Жамоани ҳамда фойдали бизнесни ташкил этиш, инвесторларни жалб қилиш учун ҳар бир фаолият юритувчи субъект ўз фаолиятига таъсир этган ва келажақда таъсир этиши мумкин бўлган омиллар аниқланади. Рационал равишда тузилган бизнес режа ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг яхши фойда олишига таъсир кўрсатади.

1.2. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг мақсади ҳамда вазифалари

Хўжалик юретишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва айланма маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағи ҳисобидан тўлиқ қоплашдир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда хал қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низомнинг янги қайтадан ишлаб чиқилгани тасдиқланиб 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб амалга тадбиқ этилди. Ушбу Низомнинг аҳамияти беҳад катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида(баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда

фарқини аниқлаш имкониятини беради; фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботнинг аҳамиятини оширади.

Корхона томонидан олинадиган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганини ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади.

Фойданинг қуйидаги турлари бор:

- 1) Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
- 2) Асосий фаолиятдан олинган бошқа фойда(операцион фойда);
- 3) Молиявий фаолиятдан олинган фойда;
- 4) Фавқулодда олинган фойда.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади²:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда:

$ЯФ = ССТ - ИТ$

бунда, ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда:

$АФФ = ЯФ - ДХ + БД - БЗ$

бунда, АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

- умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда:

$УФ = АФФ - МД - МЗ$

² Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом.

бунда, УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МЗ – молиявий фаолиятдан кўрилган зарар.

- солиқ тўлагунга қадар олинган фойда:

$$СТФ = УФ + ФП - ФЗ$$

бунда, СТФ – солиқ тўлагунга қадар олинган фойда;

ФП – фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавқулодда вазиятлардан кўрилган зарар.

- соф фойда:

$$СФ = СТФ - ДС - БС$$

бунда, СФ – соф фойда;

ДС – даромад(фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.


Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим тоифаси сифатида талқин этиш мумкин.

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғри эканлигини ўрганиш;
- олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш;
- молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счётларида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Фойданинг тақсимланиши деганда, унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захирашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида фойданинг тақсимланишини куйидаги чизма мисолида кўришимиз мумкин



1-чизма. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари фойдасининг тақсимланиши³.

Фойда куйидагича тақсимланади:

- солиқ қонунчилигига мувофиқ давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва тўловлар;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга;
- акция ва капитал эгаларига дивидендлар тўлашга.

Корхона ўзининг ҳисоб фойдасидан, аввало, давлат олдида ҳисоб беради ва ўзининг ихтиёрида ҳамда тасарруфида бўлган фойда суммасини аниқлайди. Фойдадан олинган солиқлар қатъи ставкаларда ва фоизларда

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ундирилади. Ҳисоб фойдасининг қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгилловига (акционерлар умумий йиғилишининг қарори ва ички низомига) мувофиқ тақсимланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.

Соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобига олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади.

Молиявий натижалар корхона, ташкилотнинг энг охири якуновчи босқичи бўлиб, муҳим аҳамиятга эга. Молиявий натижаларига қараб биз ҳар қандай корхона ва ташкилотга атрофлича баҳо бера оламиз ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш имкониятига эга бўла оламиз. Шунинг учун ҳам молиявий натижаларнинг ҳисобини тўғри йўлга қўйиш зарур ҳисобланади.

Молиявий натижалар ва фойдадан фойдаланишнинг аудитидан мақсад ҳисобда ва ҳисоботда корхона фойда ва зарарлари ишончли акс этилганлиги, соф фойда қонуний тақсимланганлиги ва фойдаланганлигини аниқлашдир.

Қоидага кўра, фойда (даромад) корхоналар томонидан қуйидаги мақсадлар учун ишлатилади: фойда (даромад) солиғини тўлаш; бошқарувнинг тегишли қарорига мувофиқ устав капиталига қўшиладиган, ўтган йилги фойда ҳисобидан устав капиталини кўпайтириш; дивидендлар тўлаш.

Молиявий натижаларни аудит қилишнинг вазифалари юқоридаги фойданинг ишлатилишини аудит қилишдан келиб чиқади.

Молиявий натижаларни аудит қилишнинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ҳар бир счётнинг тўғри очилганлигини текшириш;
- Ҳисоб ёзувларининг, проводкаларнинг тўғрилигини текшириш;
- Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг тўғри ва ўз вақтида юритилишини назорат қилиш;
- 9000, 9100, 9200, 9300, 9400, 9500, 9600, 9700, 9800, ва 9900 счётларнинг тўғри ёпилганлигини, проводкаларини текшириш;
- Молиявий натижаларнинг тўғри шаклланганлигини текшириш;
- Фойда(даромад) солиғининг тўғри ҳисобланиши ва тўланишини назорат қилиш;
- 8710 – “Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)” счётидаги фойда(зарар)нинг тўғри ишлатилишини, қайси мақсадларда ишлатилганлигини, фойданинг суъистемол қилинмаётганлигини ва ҳоказоларни текшириш.

Корхона фаолияти бўйича молиявий натижаларнинг аудиторлик текшируви жараёнида қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланилади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15, 2002-12-сонли “Ҳукуқий шахсларнинг даромади(фойда) бўйича солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида” ги йўриқнома;

- Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонун;
- Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик Фаолияти Миллий Стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартлари;
- Бошқа қонунчиликка оид ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда корхонанинг ҳисоб сиёсати.

Молиявий натижаларни шакллантириш ва фойдадан фойдаланиш бўйича операцияларни текшириш учун маълумот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таъсис ҳужжатлари, таъсисчилар мажлиси баённомалари, буйруқлар, фармойишлар;
- дастлабки ҳужжатлар(кирим ва чиқим ордерлари, тўлов қайдномалари, чипталар ва бошқалар) илова қилинган кассир ҳисоботлари;
- дастлабки ҳужжатлар(ҳисобварақлар, тўлов топшириқномалари, авизо ва бошқалар) илова қилинган сўмдаги ва валютадаги ҳисобварақлари бўйича банк кўчирмалари;
- сотиш, фойда ва зарарлар, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдадан фойдаланиш ҳисобварақлари бўйича ҳисоб регистрлари (қайдномалар, журнал-ордерлар, машинограммалар);
- Бош китоб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- алоҳида солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқалар ҳисобланади.

Юқорида белгиланган вазифаларга тўлиқ амал қилиш молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг тўғри ташкил қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

II боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисобининг ҳозирги ҳолати

2.1. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил қилиш

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий ўринни эгаллайди ва қуйидагилар уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) Олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш;

2) Молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счётларида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш. Молиявий натижаларнинг таркиб топиши ва улардан фойдаланиш “Маҳсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги Низом”ги Низом ҳамда Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Андазасининг № 2-,3-,4- сонлари билан тартибга солинади. Бунинг учун қуйидаги счётлар мўлжалланган⁴:

9000 – “Асосий фаолиятдан олинadиган даромадларни ҳисобга оладиган счётлар”;

9100 – “Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга оладиган счётлар”;

9200 – “Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар”;

9300 – “Асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадларни ҳисобга оладиган счётлар”;

9400 – “Давр харажатларини ҳисобга оладиган счётлар”;

9500 – “Молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларни ҳисобга оладиган счётлар”;

⁴ Национальный стандарт бухгалтерского учёта Республики Узбекистан (НСБУ №21) «План счетов бухгалтерского учета финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов и инструкция по его применению(новая редакция)». – Т.: Уз.НАБА.2004 год.

9600 – “Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оладиган счётлар”;

9700 – “Фавқулодда фойда(зарар)ларни ҳисобга оладиган счётлар”;

9800 – “Солиқлар ва тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга оладиган счётлар”;

9900 – “Якуний молиявий натижани ҳисобга оладиган счётлар”.

Маҳсулот, иш ва хизматлар сотишдан олинган ялпи фойда(зарар) ҳисобот даври охирида сотишдан тушган соф тушум билан сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ҳақиқий таннарни орасидаги фарқи миқдорида аниқланади ва қуйидаги счётларда акс эттирилади:

9010 – “Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар”;

9020 – “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”;

9030 – “Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар”;

9040 – “Сотилган товарларни қайтарилиши”;

9050 – “Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар”.

Юқорида келтирилган счётларда қуйидагиларни сотишдан тушган соф тушумда акс эттирилади:

- корхоналарда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ва ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот;

- саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

- саноат тусига эга бўлмаган ишлар ва хизматлар;

- бутлаш учун сотиб олинган буюмлар;

- савдо, таъминот корхоналарининг товарлари;

- транспорт ташкилотларининг юк ва одамлар ташиш бўйича хизматлар;

- енгил автомашиналарни ижарага бериш ва автомашиналарни ҳайдаб олиб бориб бериш хизматлари; алоқа корхоналари хизматлари ва

хоказо. Сотилган тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи тўғрисидаги ахборотлар куйидаги счётларда акс эттирилади:

9110 – “Сотилган маҳсулот таннархи”;

9120 – “Сотилган товарлар таннархи”;

9130 – “Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи”.

Саноат корхоналарида буюртмачиларга жўнатилган маҳсулот(иш,хизмат)лар учун ҳисоблашиш хужжатларини тақдим этилишига қараб жўнатилган маҳсулот(иш,хизмат)ларнинг ҳақиқий(агар ҳақиқий таннархи аниқланмаган бўлса - режа) таннархига 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш” ёки 2810 – “Омбордаги тайёр маҳсулот” счёти кредитланиб, 9110 – “Сотилган тайёр маҳсулотлар таннархи” ёки 9130 – “Сотилган ишлар ва хизматлар таннархи” счёти дебетланади.

Корхоналарда маҳсулот(иш,хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойдадан ташқари асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай даромадлар келиб тушиш манбаларига қараб куйидаги счётларда ҳисобга олинади:

9310 – “Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинадиган даромадлар”;

9320 – “Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган даромадлар”;

9330 – “Ундирилган боқиманда, жарима ва бурчсизликлар”;

9340 – “Ўтган йил фойдаси”;

9350 – “Оператив ижарадан олинган даромад”;

9360 – “Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромад”;

9370 – “Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари”;

9380 – “Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам”;

9390 – “Бошқа операцион даромадлар”.

Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларнинг шаклланиши
2–сонли “Асосий хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар”
Миллий Бухгалтерия Ҳисоби Андозаси билан тартибга солинади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ва
аксинча, вақт билан, хўжалик фаолиятининг давомийлиги билан боғлиқ
бўлган харажатлар давр харажатлари деб юритилади.

Счётлар режасига биноан давр харажатлари қуйидаги счётларда акс
эттирилади:

9410 – “Сотиш харажатлари”;

9420 – “Маъмурий харажатлар”;

9430 – “Бошқа операцион харажатлар”;

9440 – “Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган
ҳисобот даври харажатлари”.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби “Асосий хўжалик
фаолиятдан олинадиган даромадлар” номли 2-сон БХМА, “Ижара
ҳисоби” номли 6-сон БХМА, “Молиявий инвестициялар ҳисоби” номли 12-
сонли БХМА лар билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича олинадиган даромадлар учун қуйидаги
счётлар очилиши мумкин:

9510 – “Роялтидан олинган даромадлар”;

9520 – “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”;

9530 – “Фоиз кўринишидаги даромадлар”;

9540 – “Курс фарқларидан олинган даромадлар”;

9550 – “Молияланадиган ижарадан олинадиган даромадлар”;

9560 – “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”;

9590 – “Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар”.

Молиявий фаолият бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан
белгиланган ҳисоб ставкалари даражасида ва улардан ортиқча олинган

қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли кредитлар бўйича, шу жумладан, тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича тўловлар;

- Мулкни узоқ муддатли ижарага олиш бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;
- Чет эл валютаси билан муомалалар бўйича салбий курс фарқлари;
- Сарфланган(қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва хоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;
- Ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар, шунингдек, салбий дисконт.

Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобда акс эттириш учун қуйидаги счётлар очилган:

9610 – “Фоиз кўринишидаги харажатлар”;

9620 – “Курс фарқларидан зарарлар”;

9630 – “Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар”;

9690 – “Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар”.

Фавқулодда фойда – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четга чиқадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо бўладиган ва олиними кутилмаган фойдадир.

Фавқулодда зарар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидан четга чиқувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва рўй берадиган кутилмаган одатдан ташқари харажатлардир.

У ёки бу модданинг фавқулодда фойда ва зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Фавқулодда фойда ва зарарлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

9710 – “Фавқулодда фойда”;

9720 – “Фавқулодда зарар”.

Якуний молиявий натижа ҳисобот даврида корхона бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган ҳамма операциялар асосида аниқланади. Корхона балансида кўрсатиладиган молиявий натижа, яъни соф фойда 3 қисмдан иборат бўлади:

1. Асосий маҳсулот, иш ва хизматлар реализациясидан олиннадиган молиявий натижа (9010 – “Тайёр маҳсулотни сотишдан олиннадиган даромад” счёти маълумотлари асосида аниқланади);

2. Асосий воситалар ва бошқа активлар(материал бойликлар, қимматли қоғозлар, номатериал активлар ва бошқа молия қўйилмалари) реализациясидан олиннадиган натижа (9310 – “Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа кўринишдаги ҳисобдан чиқаришлар” ва 9320 – “Бошқа активлар реализациясидан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда” счётлари маълумотлари асосида аниқланади);

3. Реализация билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олиннадиган молиявий натижа(реализация билан боғлиқ бўлмаган даромад ва нобудгарчиликлар тўғридан-тўғри “Молиявий натижалар” счётида аниқланади).

Ишлаб чиқариш корхоналари ялпи (баланс) фойдаси таркибида асосий ўринни маҳсулот(иш, хизмат)лар реализациясидан олиннадиган

фойда ташкил қилади. Бу фойда 3 гуруҳ омиллар таъсирида таркиб топади:

1. Сотилган маҳсулотнинг ҳажми ва тури (ассортименти);

2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар даражаси;

3. Сотилган маҳсулотнинг баҳо даражаси.

Реализация билан боғлиқ бўлмаган даромад, харажат ва нобудгарчиликларга қуйидагилар киради:

- Хамкорликдаги корхоналарда даромаддан олинадиган улуш, мулкни ижарага берганлиги учун олинадиган даромад;

- Корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар учун олинадиган дивиденд;


- Валюта курсининг ижобий ёки салбий фарқлари(валюта счётлари ва чет эл валюта операциялари буйича);

- Корхона балансида ҳисобда бўлган уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланишдан олинадиган даромад (4110 – “Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар” счёти маълумотлари асосида аникланади);

- Иқтисодий санкциялар кўринишида олинадиган ва тўланадиган суммалар (шартнома шартларини бажармаганлиги учун жарима ва пенялар);

- Тугатилган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар.

Якуний молиявий натижа бухгалтерия ҳисобида 9900 – “Якуний молиявий натижа” счётида ҳисобга олиб борилади. Ушбу счёт транзит бўлиб, актив-пассив счёт характерга эга. Счётнинг дебитида зарарлар, кредитида эса фойда акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотларининг фарқи корхонанинг ҳисобот йилидаги молиявий натижасини, яъни солиқ тўлангунга қадар бўлган фойдасини акс эттиради.



2-чизма. 9900 – “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғлиқ бўлган барча счётлар корреспонденцияси.

Ҳисобот йилининг охирида 9810 – “Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар”, 9820 – “Бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар” счётларида фойда(даромад)дан ҳисобланган умумий сумма акс

этирилади. Ҳисобот даврида ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар суммаси қуйидаги проводка орқали чегириб ташланади:

Д-т 9900 – “Якуний молиявий натижа”

К-т 9810, 9820.

9900 – “Якуний молиявий натижа” счёти билан боғлиқ бўлган барча счётлар корреспонденцияси қуйидаги чизма кўринишида келтирилган⁵.

9900 – “Якуний молиявий натижа” счётида қолган сумма корхонанинг ҳисобот йилида олган соф фойда(зарар)сини англатади ва ушбу сумма қуйидаги проводка орқали 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(қопланмаган зарари)” счётига ўтказилади:

Соф фойда суммасига:

Д-т 9900 – “Якуний молиявий натижа”

К-т 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

Зарар суммасига:

Д-т 8710 - “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)”

К-т 9900 - “Якуний молиявий натижа”

Молиявий ҳисобот корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхонанинг ички ишлаб чиқариш бухгалтерия ҳисоби билан танишиш имкониятига эга бўлмаган акционерлар ва бошқа инвесторларга ўхшаган бир қанча ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот ахборот олишнинг ягона манбаидир. Ҳисоботнинг асосий шакллари бўлиб, корхонанинг баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳисобланади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан узвий боғланган бўлиб, молиявий натижалар тўғрисидаги олдинги ҳисоботнинг моҳияти ва тузилишини жиддий

⁵ М.Умарова, Ў. Эшбоев, К. Ахмаджонов “Бухгалтерия ҳисоби” – Т.: 2010 йил 126-б

ўзгаришига олиб келди. Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шаклини олдингисига қараганда ўзгаришини қуйидагилар тақозо этади:

- бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисоботдан янги фойдаланувчилар, даставвал акционерлар, шунингдек, бошқа инвесторларнинг вужудга келиши;

- корхона менежерларининг янги ахборотларга бўлган талабларини вужудга келиши;

- молия бозорларининг асосий талаблари ва хўжаликни бошқариш эҳтиёжларига жавоб берадиган фойда тўғрисидаги ҳисобот тузилмасини ишлаб чиқиш зарурияти ва шу кабилар.

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шаклини амалга тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

- бундан буёққа сотилган маҳсулот таннархига фақат мазкур ҳисобот даврида сотилган маҳсулотга тегишли ишлаб чиқариш тоифасидаги харажатлар қўшилади. Қолган харажатлар операцион харажат моддалари бўйича давр харажатларига қўшилади;

- илгари корхона тасарруфида қолган фойда ҳисобидан копланадиган моддалар ҳозир харажат моддалари ҳисобланади, лекин корхонанинг солиққа тортиладиган базасидан чегирилмайди.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом молиявий ҳисоботлар кўрсаткичлари билан маҳкам боғланган бўлиб, унинг ички ва ташқи фойдаланувчилар учун фойдалилигига бевосита таъсир қилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан ички фойдаланувчи корхона менежерларининг талаблари бир-бирига боғлиқ икки асосий гуруҳ омиллари билан белгиланади: бошқарув қарорлари самарадорлигини ошириш вазифалари ва ташқи фойдаланувчилар талаблари.

Ташқи фойдаланувчиларни асосан маҳсулот(иш,хизмат)лар сотиш самарадорлиги, активларнинг самарадорлиги, хусусий капиталнинг самарадорлиги ва бир акциянинг самарадорлиги қизиқтиради.

Шунингдек умумий кўрсаткичлар ичида давр харажатларининг салмоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичлар ташқи фойдаланувчиларга корхонани молия бозорида рақобатбардошлилик ва унинг молия-хўжалик сиёсатини рационал олиб бораётганлигини баҳолаш имкониятини беради.

Молиявий ҳисоботни юқорида айтиб ўтилган ва бошқа кўрсаткичлар ташқи инвесторлар учун қандай аҳамиятга эга эканлигини тушунган корхона менежерлари бошқарув қарорларини қабул қилишда бу кўрсаткичларни юқори даражада ушлаб ташқи инвесторлар ва бошқа қизиқувчи(харидорлар ва мол юборувчи) томонлар учун ўз корхонасининг кўркам қиёфасини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Ички бошқарув қарорларини қабул қилишда менежерлар даромад ва харажатларнинг аниқ таснифини билиши ва бу ахборотларни таҳлил қилиш учун уларни қулай шаклда тезкор олиш керак.

Даромад ва харажатларнинг аниқ таснифи шунинг учун зарурки:

Биринчидан: давр ичида даромаднинг асосий қисми қайси манбадан олинганлигини аниклаш учун;

Иккинчидан: маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини давр харажатларидан ажратиб олиш учун;

Учинчидан: доимий ва ўзгарувчан харажатларни ажратиб олиш учун.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 3 – Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Андазаси “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” га биноан жорий бухгалтерия маълумотлари бўйича тузилади.

Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин (1-жадвал).

**“Гулистон Экстракт Ёғ” АЖ молиявий натижаларнинг таркиби,
тузилиши ва динамик ўзгаришларининг таҳлили**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангун гача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлангунг ача бўлган фойдага нисбатан салмоғи, %	Сумма- даги	Салмо- ғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	447210	494	622779	513	175569	19.1
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	365849	404	508666	419	142817	15.0
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	91957	102	121611	100.3	29654	- 1.4
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	90468	100	121294	100	30826	-
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	-		-	-	-	-
6. Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	90468	100	121294	100	30826	-
7. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар	47489	52	52548	43	5059	- 9.2
8.. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	42979	48	68746	57	25767	9.2

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган “Гулистон Экстракт Ёғ” АЖ жорий йилда ўтган йилга нисбатан 25767 минг сўмга яъни 9.2 фоизга соф фойдаси кўпайган. Соф фойданинг кўпайишига асосан, ялпи фойдани ўтган йилга нисбатан 175569 минг сўмга ортиши ҳамда тўланган солиқларнинг, яъни даромад солиғи ва бошқа солиқ ҳамда

⁶ “Гулистон Экстракт Ёғ” АЖ молиявий натижалари асосида муаллиф ишланмаси

ажратмаларнинг ўтган йилга нисбатан 9.2 фоизга камайганлиги таъсир этган. Ушбу омиллар корхонанинг давр харажатларини 142817 минг сўмга ортганини ҳам қоплаб юборди. Корхонада ялпи фойдани ошиши ижобий бўлган, бироқ асосий фаолиятнинг молиявий натижаси 1.4 фоизга камайганлигини кузатишимиз мумкин. Бунга асосий сабаб умумхужалик фаолиятининг молиявий натижасини мос равишда купаймаганлигидир. Умумий хулоса қилиб корхона маъмурияти биринчи навбатда давр харажатлари ҳамда молиявий фаолият харажатларини қисқартириш чораларини кўриши лозим бўлади.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлоқ қийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади.

2-жадвал⁷

Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили (минг сўмда)

Кўрсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	447210	622779	175569
2. Давр харажатлари	360551	504917	144366
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	5298	3749	-1549
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	-1489	-317	1172
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар			0
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	47489	52548	5059
Жорий йилнинг соф фойдаси	42979	68746	25767

Жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган корхона ҳисобот даврида соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 25767 минг сўмга кўпайган. Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг кўпайишига асосан ялпи фойдани ошиб кетганлиги ҳамда молиявий фаолиятдан кўрилган молиявий натижани ижобий томонга

⁷ “Гулистон Экстракт Ёғ” АЖ молиявий натижалари асосида муаллиф ишланмаси

ўзгариши сабаб бўлган. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан мос равишда ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан кўпайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 25767 минг сўмга кўпайган. Демак, корхонада фойдани ўстириш юзасидан имкониятлар мавжуд дейиш мумкин. Агар корхона асосий фаолиятдан бошқа даромадларни олдинги йил кўрсаткичларини сақлаганда эди яна кўшимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.

2.2. Тақсимланмаган фойдани ҳисобга олиш ва уни тақсимлаш тартиби

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши туфайли ўтказилган ислохотлар иқтисодиётда туб бурилишларни вужудга келтирди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларининг натижаси ўлароқ, нодавлат секторининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг дунё бозорида хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари яхши йўлга қўйилишига замин яратди, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида мулкчилик шакллари ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Ушбу ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йуналишларини эркин танлаш имкониятини яратиб, барча соҳалардаги сингари ҳисоб тизимида ҳам янги талабларни келтириб чиқарди. Бу ўз навбатида, замонавий ҳисоб тизимини янада ривожлантириш ва халқаро стандартлар талаблари даражасида такомиллаштириш талаб этади.

Миллий иқтисодиётимизда бозор муносабатлари ривожланишининг илк босқичи ҳисобланган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари ва қўшма корхоналар ҳамда улар фаолиятида қимматли қоғозлар, лизинг жараёнлари, шунингдек, бошқа ҳисоб объектларининг пайдо бўлганига

хали кўп вақт бўлгани йўқ. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва уни рағбатлантириш юзасидан қабул қилинган қарорлар уларнинг айна кундаги мавқеини таъминлашда асосий мезон бўлди. Лекин, мулкчиликнинг янги шакли ҳисобланган қўшма корхоналар ва лизинг компаниялари фаолияти билан боғлиқ муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий мезони ҳисобланган хорижий инвестицияларни иқтисодиёт тармоқларига жалб қилиш, мамлакатда иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш ва ҳисоб тизимини зарур маълумотлар билан таъминлаш даражасини такомиллаштириш каби вазифалар ҳисоб тизими олдида турган асосий вазифалардандир.

Бугунги кунда мамлакатимизда амал қилиб келинаётган ҳисоб тизимини бухгалтерия ҳисобининг халқаро ва миллий стандартлар талаблари даражасида ташкил қилиш жараёни жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Зеро, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топишига кўмаклашувчи асосий шартлардан бири ҳам бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқаро тамойилларига мос келадиган миллий ҳисоб тизимига амал қилишдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва иқтисодиётимизга хорижий сармояларни киритиш – салоҳиятли ҳамкорларга ишончли қарорлар қабул қилиши учун тўлиқ маълумотлар етказиб бериш заруриятини туғдиради. Энг муҳими, мамлакатимиз корхоналари молиявий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни (реал ва истиқболли бизнес-режа) сармоядорларга энг қулай усулларда ҳавола этишдир. Қолаверса, халқаро ҳисоб тизимининг кўпгина тамойиллари ва концептуал асослари давлатимиз ҳисоб тизимини ривожлантиришда муҳим услубий аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мулкчилик шакллари ривожлантиришда, шунингдек, мавжуд корхоналар молиявий

барқарорлигини таъминлаш ва уларнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилашда хўжалик фаолиятининг молиявий натижалари, яъни соф фойданинг аҳамияти каттадир. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг жорий йил якунида шаклланган молиявий натижасида, аниқроғи, бюджетга фойда солиғи тўлангандан сўнг ўз ихтиёрида қолган соф фойдаси келгуси йилда тақсимланади. Ҳисобот йилининг соф фойдаси йил якунида аниқланади ва уни бухгалтерия балансида акс эттириш учун 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(зарари)” счётига ўтказилади. Бу жараён қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан ҳужжатлаштирилади:

Д-т 9910 – “Якуний молиявий натижа”

К-т 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(зарари)”

Корхона соф фойдасини тақсимлаш тартибини қуйидаги йўналишлар бўйича кузатиш мумкин:

- Тақсимланадиган қисм;
- Реинвестиция;
- Жамғарма қисми.


Корхона ихтиёрида қолган соф фойданинг тақсимланадиган қисми, аввало, фойда ҳисобидан тўланадиган мажбуриятларга, хусусан муомаладаги акцияларга дивидендлар тўлашга сарфланади. Ана шундай жараёнлар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(зарари)”

К-т 6610 – “Тўланадиган дивидендлар”

Соф фойданинг жамғарма қисми акциядорлар умумий йиғини қарорига биноан махсус жамғармалар ва захиралар ташкил қилишга йўналтирилади.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари ва қўшма корхоналарда фойда тақсимотининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, улар бошқа корхоналардан фарқли ўларок, захира фондлари ташкил қилишлари лозим.



3-чизма⁸. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида фойдани тақсимлаш йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси “Акционерлик жамиятлари ва акционерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 34-моддасида белгиланганидек, ушбу фонд:“ устав капитални ҳажмининг 15% дан кам бўлмаган миқдорда ташкил қилинади. У ҳар йилги соф фойдадан камида

⁸ Муаллиф томонидан ишланди

5% ини белгиланган миқдорга етмагунча ажратмалар ҳисоблаш кўринишида шаклланади ва хўжалик фаолиятида вужудга келган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ушбу Қонунга мувофиқ, акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган акционерларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас”. Бу ажратмалар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 8710 – “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси(зарари)”

К-т 8520– “Резерв капитали”.

Амалиётда фойдани тақсимлашнинг бундай тартиби акционерларга ёқмаслиги табиий, чунки аксарият акционерлар имкон борида дивиденд сифатида тўланадиган фойда миқдорининг кўп бўлишини хоҳлашади.

Ушбу жараёнларни чизма тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин⁹.

Фойдани реинвестиция қилиш ёки корхона ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш – акционерлик жамияти фаолиятида энг асосий ва зарурий тадбирлардан бири ҳисобланади. Янги ташкил этилган акционерлик жамияти фаолиятининг барқарорлик даражаси хали юқори бўлмаслиги табиий, чунки ички сармояларнинг етарли бўлмаган миқдори фаолиятни кенгайтириш харажатларини тўлиқ қопламайди. Ушбу ҳолатда банк кредитларидан фойдаланиш бирмунча қулай ҳисобланса-да, кредит учун тўланадиган фоизларга корхона фойдасининг сезиларли қисми сарфланиши мумкин ва шу боис, акционерлик жамияти ўзининг бўш маблағларидан асосан ушбу мақсад йўлида фойдаланишга интилади. Агар фаолият самарали юритилса, акционерлик жамияти кейинчалик ўз-ўзини тўлиқ молиялаш қисмига ўтади. Бу ҳолатни иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибасидан ҳам кузатиш мумкин.

⁹ “Бозор, пул, кредит” журнали, 2014 йил 2-сон 32-б

2.3. Молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

Иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида хўжалик фаолияти жараёнининг якуний босқичидан олинadиган тайёр маҳсулотларнинг таннархида сарфланган хом ашё ва материалларнинг улушини имконият даражасида камайтириш муҳим ўрин тутadi, чунки талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда уларга ўрнатилган баҳо маҳсулотларнинг харидоргирлик даражасини белгилайди. Ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилаётганда табиий ва моддий ресурслардан унумли фойдаланиш, иккиламчи ресурслар ва ёндош маҳсулотларни мақсадга мувофиқ ишлатишни тақозо этади.

Бу борада Президентимиз И.А. Каримов томонидан эътироф этилган куйидаги фикрларни келтириш ўринлидир: “Хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижаларга эришилаётганини таъкидлаш жоиз. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритаётган хусусий корхоналарнинг асосий мақсадидир”¹⁰.

Бозор механизмининг асоси корхонанинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини режалаштириш ва холис баҳолаш, махсус жамғармаларни шакллантириш ва фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида даромадлар ва харажатларни ҳисоблаш учун зарур бўлган иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

¹⁰ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. “– Т. О‘zbekiston. 2015 й.28-бет

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобот даврида хусусий капитал қийматининг ўсиши (камайтиши)ни ўзида акс эттирувчи молиявий натижа ҳисобланади. Россиялик иқтисодчи олим Н.Пошерстникнинг фикрича: “Молиявий натижалар кўрсаткичлари корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани ифодалайди”¹¹.

Шу боисдан хўжалик юритувчи субъектда иқтисодий самарага эришиш, уни ривожлантиришдаги муҳим вазифа корхонанинг операцион, молиявий ва инвестиция фаолиятида раҳбарият томонидан даромадлар ва харажатларни самарали бошқариш усуллари эгаллаши зарур бўлади. Фойда шаклланишини самарали бошқариш бошқарув жараёнининг ташкилий-услубий тизимини барпо этиш, фойда шаклланишининг асосий механизмларини билиш, уни таҳлил ва назорат қилишда замонавий усуллардан фойдаланишни кўзда тутати.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклланишининг муҳим жиҳати унда акс эттириладиган фойдаланувчилар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган кўрсаткичларнинг миқдоридир. Ушбу кўрсаткичлар миқдорининг кўпайиши фойдаланувчиларга кўпроқ маълумот беради, шу билан биргаликда уларнинг юзага келиш шартлари очиқ берилади. Кўрсаткичлар миқдорининг камайтиши уларни ўқишга қулай бўлади, аммо камроқ ахборот бериб, фойда ва зарарларнинг шаклланиш шартларини тўлиқ очиқ бермайди.

Бугунги кунда ахборотлар шаффофлиги ва барча учун мақбуллигига эътибор қаратилмоқда. Шу боисдан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузилиши фаолият турлари бўйича даромад ва харажатларнинг таснифланишига асосланади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари шаклланишига бўлган ушбу ёндашув барча ривожланган мамлакатлар

¹¹ Пошерстник Н.В. Бухгалтерский учет на современном предприятии: учебно-практическое пособие. –М.: Проспект, 2011. -560 с.

учун характерлидир. Аммо ҳисобот шаклланишидаги асосий масала тақдим этиладиган кўрсаткичларнинг ҳажмидир.

Республикамизда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи асосида тўлдирилади.


Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”да белгиланган даромадлар ва харажатлар таснифига биноан амалга оширилади.

“Даромад” ва “харажат” категориялари бухгалтерия ҳисобининг фундаментал тушунчалари ҳисобланади. Ушбу категориялар корхонанинг асосий мақсадига эришиш, молиявий натижаларни максималлаштириш ва ҳисоботдан фойдаланувчиларга бошқарув ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг асосий вазифаси уларнинг миқдорини аниқлашдир. Даромад ва харажатлар миқдорини баҳолашнинг холислиги ва ҳаққонийлигига хўжалик битимларининг ноаниқлиги ўз таъсирини ўтказди. Бу эса даромад ва харажатларни тан олиш вақти билан ҳисобот даврлари ўртасида даромад ва харажатлар ҳақидаги ҳисоб ахборотини тақсимлашга боғлиқлиги билан ифодаланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, “даромад” ва “харажат” категориялари фақатгина бухгалтерия ҳисобида эмас, балки бутун ташкилотни бошқаришда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Буни қуйидаги чизмадан кўриш мумкин:



4-чизма¹². Ташкилотнинг бошқарув, ҳисоб-таҳлил ва бухгалтерия ҳисоби тизимларида молиявий натижаларнинг тутган ўрни.

Даромадлар ва харажатлар турли тизимларда қўйилган талабларга асосан турлича таснифланади ва изоҳланади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида даромад ва харажатларга турлича таърифлар берилган.

Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

Бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатларнинг изоҳланиши

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат	“Даромад” тушунчаси	“Харажат” тушунчаси
“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли БҲМС	Даромад – ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир	Харажат – ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари	Даромад – ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активлар оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пасивларни қатнашчиларнинг капиталдаги омонатларидан фарқ қилувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир	Харажат – ҳисобот даврида иқтисодий фойдани активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартида “даромад” ва “харажат” тушунчаларига деярли ўхшаш таъриф берилган. Фақат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартида активлар ва мажбуриятларнинг қайси омилнинг ҳисобига ўзгариши даромад ёки харажатни ифодалаши аниқроқ баён қилинган.

Маълумки, ҳар бир битимга уни тан олиш мезонлари қўлланилади. Вазиятни аниқлаш чоғида бир битимнинг алоҳида элементларига тан олишнинг мезонларини қўллаш зарур. Масалан, маҳсулотни сотиш нархи сотишдан сўнгги хизмат кўрсатиш учун муайян қийматни ўз ичига оладиган бўлса, бу қиймат шу муддатдан ажратилиб хизмат кўрсатилган давр давомида асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромад деб эътироф этилади. Аксинча, битимлар бир бутун битимнинг туркумлари деб қаралганда натижалари ҳақиқий бўлиши билан боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ битимларга эътироф этиш мезонлари қўлланилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ноаниқлик шароитида даромад ва харажатларни тан олишнинг асосий шартлари уларнинг ишончли баҳолангани ва тан олиш вақтида эҳтиёткорлик тамойилига амал қилиниши ҳисобланади. Бу ерда эҳтиёткорлик тамойили дейилганида битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлиши, шунингдек битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлиши тушунилади.

Демак, даромад ва харажатлар ишончли даражада баҳоланганида улар тан олинади. Агарда даромад олиш ноаниқ бўлса, улар харажат сифатида тан олинади. “Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусида ноаниқлик вужудга келган тақдирда қайтарилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади”¹³.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар даромад ва харажатларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришида эҳтиёткорлик тамойилига амал қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида хўжалик юритувчи субъектларда рентабелликни ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Фойданинг шаклланишида бухгалтерия ҳисобида даромад ва харажатлар сифатида тавсифланувчи хўжалик фаолияти фактлари иштирок этади. Лекин уларнинг барчаси ҳам шу ҳисобот даврига тааллуқли даромад ёки харажат сифатида акс этмаслиги мумкин. Жорий ва келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли даромад ва харажатлар хусусидаги ахборотларни тақсимлаш асосан профессионал бухгалтернинг мушоҳадасига (даромад ва харажат ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд бўлмаганида) боғлиқ. Демак,

¹³ “Асосий хўжалик фаолиятдан тушган даромадлар” номли 2-сон БҲМС. www.lex.uz

фойданинг шаклланишида ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги тамойилига амал қилиш лозим.

Агарда ҳисобот даврида қилинган харажатлар келгуси ҳисобот даврларида даромад келтирадиган бўлса, бундай харажатлар капитализация қилинади, яъни ҳисобот даври харажатлари таркибидан чиқарилиб, корхона активлари қаторига киритилади. Демак жорий даврдаги харажатлар активлар қийматининг ошишига қаратилади.


Активлар эса келажакда даромад келтириш мақсадида шакллантирилади. Буни Б.Нидлз, Х.Андерсон, Д.Колдуэллар қуйидагича таъкидлаган: “Актив — келажакда даромад келтириши лозим бўлган харажатлардир”¹⁴.

Бундай харажатлар захиралар, узоқ муддатли активлар қийматига кўшилади, шунингдек дебиторлик қарзлари ёки келгуси давр харажатлари кўринишида бўлиши мумкин. Моддий қийматликларга қилинган харажатлар активларнинг ўсишига олиб келса, шу пайтда харажатлар капитализация қилинади.

Келгуси давр харажатларини ҳисобдан чиқариш тартиби эса корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак. Келгуси давр харажатларининг мавжудлиги фойданинг ошишига ва дебиторлик қарзларининг камайишига олиб келиши мумкин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, агарда келгуси давр харажатлари меъёрий талаблар доирасида юзага келган бўлса, ҳисобот ишончли ҳисобланади.

Қуйидаги чизмада ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги тамойилининг амал қилиш тартиби келтирилган.

¹⁴ Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. Пер. с англ. / Под ред. Я.В. Соколова. – 2-е изд., стереотип. – М.: Финансы и статистика, 1997. – 496 с.



5-чизма. Ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг бир-бирига мувофиқлиги таъминининг амал қилиш тартиби¹⁵.

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Демак, келгуси давр харажатларининг мавжудлиги ҳисоботнинг ишончлилигини инкор этмайди. Шу боисдан молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида келгуси давр харажатларининг таркиби ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби ҳақида ахборот бериш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ҳисоботдан фойдаланувчиларни фойдали ва ишончли ахборот билан таъминлайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисобида ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мувофиқлиги ва эҳтиёкорлик тамойилларига амал қилиш молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди.

III боб. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида миллий стандартлар асосида молиявий натижалар аудитини ташкил этиш

3.1. Молиявий натижалар аудитини режалаштириш ва аудит ўтказиш усуллари ишлаб чиқиш

Турли мулкдаги корхоналарнинг фаолиятлари асосий ва айланма маблағларга бевосита боғлиқдир. Ушбу маблағлар хўжалик юритувчи субъектлар ташкил қилингандан эътиборан фойдаланилади ва кўпайтриб борилади. Хўжалик маблағларининг муҳим манбаси хусусий капитал ҳисобланади. Капитал ўз навбатида устав капитали, қўшилган капитал ва захира капиталидан ташкил топади. Ушбу манбалар асосан корхона фаолиятдан олинган сўнгги молиявий натижа, яъни фойда ҳисобидан кўпайтирилиб борилади. Шунинг учун ҳам корхона молиявий натижалари аудитнинг муҳим объекти ҳисобланади.

Аудитнинг самарадорлиги уни тўғри режалаштиришга бевосита боғлиқдир. Аудиторлик ташкилотлари турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятларини текширади. Ушбу фаолиятлар ўз навбатида бир-биридан фарк қилади. Мисол учун, ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарни хўжалик жараёнлари кўп ҳолларда хом ашёларни сотиб олиш. Уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш, тайёр маҳсулотлар олиш ва уларни сотиш билан боғлиқ бўлса, савдо билан шуғулланувчи корхоналарнинг фаолиятлари эса товарларни сотиб олиш ва қайта сотиш билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъект фаолиятини аудит қилишга розилик бериш ва шартнома тузишдан олдин аудит режаси тузилади.

Аудитнинг режалаштирилиши ушбу жараённинг муҳим таркибий қисми бўлиб ўз ичига аудиторлик текширувини умумий ҳажмини аниқлаш, аудит дастурини тузиш, аудитда қўлланиладиган усулларни белгилаш, текшириш муддатларини кўрсатиладиган хизматларни ва аудит хатарини аниқлаш каби масалаларни ўз ичига олади. Махсус адабиётларда аудитни

режалаштиришга аудитнинг стратегияси ва тактикасини аниқлаш деб ҳам эътироф этилган. Аудит стратегияси қўйилган мақсад ва вазифаларни маълум кетма-кетликда ва аниқ истиқболга асосланиб бажарилишини таъминласа, аудит тактикаси эса қўйилган мақсадларга эришишнинг шакл ва усуллари ифодалади¹⁶. Аудитни режалаштиришдан асосий мақсад аудит жараёнидаги умумий иш ҳажмини аниқлаш, текшириш муддатларини белгилаш, аудитни ўтказишда қўлланилиши мумкин бўлган илғор усуллар таркибини, кўрсатиладиган аудиторлик хизмати қийматини ҳамда аудиторлик хатарини аниқлашдан иборат.

Аудитор аудитни режалаштиришда аудиторлик текширувини ўтказиш босқичлари кетма кетлигини, маълумотларни олиш учун муайян манбаларни ва аудиторлик таваккалчилигини аниқлаши лозим. Шунинг учун махсус дастурни тайёрлаш фойда беради. Бундай дастур намунаси 3-жадвалда келтирилган.

Аудит режаси ва дастури асосида ўтказилган текширувлар маълум тартибда умумлаштирилиб борилади ва ҳужжатлаштирилади. Ушбу ҳужжатлар ўз навбатида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаларини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Молиявий натижалар тўғри шакллантирилганлиги ва фойдадан тўғри фойдаланганлигининг текшируви жараёнида аудитор қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

- маҳсулот, асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинган фойда(зарарлар)ни тўғри аниқланганлиги ва ҳисобда акс этилганлигини аниқлаш;
- турли солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдадан тўғри фойдаланганлигини текшириш;
- дивидендлар тўлаш учун соф фойдадан қонуний ва тўғри

¹⁶ Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари, 3-сон,-Т.:Ўзбекистон Республикаси

Молиявий натижалар аудитининг дастури

Текширилаётган корхона “Гулистон Экстракт Ёғ” ОАЖ

Аудит даври 14.03.2015-02.04.2015

Аудиторлик гуруҳи раҳбари Абдуллаев С.

Аудиторлик гуруҳи таркиби Жўраев С, Кенжаев Б.

Режалаштирилган аудиторлик таваккалчилиги 5%

Режалаштирилган муҳимлик даражаси 4%

Т. р.	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик муолажалар рўйхати	Ўтказиш даври	Ижрочи	Аудиторнинг ишчи хужжатлари	Изоҳ
1.	Ялпи молиявий натижа шаклланишини текшириш	20.04.2015	Жўраев С.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
2.	Давр харажатларини текшириш	21.04.2015	Кенжаев Б.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
3.	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган даромадларни текшириш	22.04.2015	Жўраев С.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
4.	Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатларни текшириш	22.04.2015	Кенжаев Б.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
5.	Фавқулудда фойда ёки зарар мавжудлигини текшириш	22.04.2015	Халилов Ш.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
6.	Фойдадан ҳисобланган ва тўланган солиқларни текшириш	23.04.2015	Кенжаев Б.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	
7.	Соф фойда ҳажмини текшириш	23.04.2015	Жўраев С.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, 11-журнал-ордер	

Сотувдан олинган фойда тўғри аниқланганлиги бўйича текширув натижалари кўп жихатдан аудитнинг олдинги босқичлари, хусусан, маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини назорат қилиш босқичларида асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни текширишда, ҳисоб-китоб бўйича операциялар аудитида назорат муолажалари сифатли ўтказилганлигига боғлиқ. Сотувдан тушумни ва сотилган маҳсулот таннархини, бошқа мол-мулкни сотишдан тушумларни ва харажатларни тўғри ҳисоблашлар, ушбу операциялар бўйича молиявий натижани ҳам аниқ ҳисоблаш лозимлигини тақозо этади. Аудитор маҳсулот(иш,хизмат)ларни сотиш, асосий воситаларни сотиш ва бошқа

ҳисобдан чиқаришлар, бошқа активларни сотиш ҳисобварақлари бўйича ҳисоб регистрларида акс этилган фойда суммалари фойдалар ва зарарларни ҳисоби ҳисобварағи бўйича ҳисоб регистрларида акс этилган шунга ўхшаш суммалар билан мувофиқ эканлигини тасдиқлаши етарлидир.

Текширувнинг ушбу босқичида аудитор қуйидагилардан ташкил топган асосий фаолиятдан олинadиган бошқа даромадларни таҳлил қилишга асосий эътиборини қаратиш лозим:

1. Асосий воситаларни сотишдан ва бошқа чиқарилишлардан олинган фойда;

2. Бошқа активларни сотишдан ва бошқа ҳисобдан чиқарилишидан олинган фойда;

3. Ҳисобот йилида аниқланган олдинги йилларда олинган фойда;

4. Хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун ундириб олинган жарималар, боқимандалар ва бошқа жарима чоралари бўйича тўловлар;

5. Рента бўйича даромад, кўрсатилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар;

6. Ёрдамчи хизматлардан олинган даромадлар;

7. Кредиторлик ва депонентлик қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар;

8. Товар-моддий бойликларни қўшимча баҳолаш;

9. Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам;

10. Бошқа операцион даромадлар.

Молиявий фаолият бўйича даромадларга қуйидагилар киритилади:

1. Роялти ва капиталнинг трансфертидан олинган даромадлар;

2. Дивидендлар кўринишидаги даромадлар;

3. Фоизлар кўринишидаги даромадлар;

4. Курс фарқлари(ижобий)дан даромадлар;

5. Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар;
6. Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар;

7. Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

1. Фоиз кўринишидаги харажатлар;
2. Курс фаркидан зарарлар;
3. Қиммат баҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар;
4. Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Аудитор юкорида кайд этилган харажатлар ва даромадлар асосланганлигини ва қонунийлигини, улар солиққа тўғри тортилганлигини текшириши лозим.

Жарималар, боқимандалар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун қўлланиладиган жарималар хўжалик суди қарорларига, сотиб олиш-сотиш ва маҳсулотни етказиб бериш шартномаларига, мол етказиб берувчилар(харидорлар)нинг ўз хохиши билан даъволарни тан олганлиги тўғрисида ёзма тасдиқномаларига, тўлов топшириқномаларига асосан аниқланади.

Даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқариш маҳсулотни сотиб олиш-сотиш, етказиб бериш шартномаларига, мол етказиб берувчига пул маблағлари ўтказилганлигини тасдиқловчи банк хужжатларига, харидорларга юклаб жўнатилган маҳсулотнинг счёт-фактуралари, юк хатларига асосан амалга оширилади.

Ҳисобот йилида аниқланган олдинги йиллар бўйича фойда(зарар)ларнинг ҳисобдан чиқарилиши маҳсулотларни сотиб олиш-сотиш, етказиб бериш шартномаларига, ҳисобварақлар, тўлов шартномаларига, юк хатлари, қабул қилиш-топшириш шартномалари, хатларга, бухгалтерия маълумотларига (ҳисоб-китоб), солиқ

идораларининг хужжатли текширув далолатномалари асосида амалга оширилади.

Валюта операциялари бўйича курс фарқларининг ижобий(салбий) курс фарқлари валюта контракти(шартнома), валюта ҳисобварақлари бўйича тўлов топширикномалари ва банк кўчирмалари, божхона юк декларациялари, юк хатлари, ҳисобварақлар, инвойслар, коносаментлар ва бошқа маълумотларга асосан аниқланади.

Бошқа корхоналар фаолиятида улуш эгаси сифатида катнашганлиги учун олинган даромадлар, акциялардан, облигациялардан ва бошқа қимматли қоғозлардан(шу жумладан, давлатга тегишли бўлганларидан) олинган дивидендлар(фоизлар), хабарномалар, корхона-эмитент авизолари, “депо” ҳисобварағи бўйича кўчирмаларнинг маълумотларига асосан текширилади. Мол-мулкни ижарага беришдан олинган тушумлар, берилган заёмлар бўйича фоизлар ўз вақтида даромад таркибига киритилиши тегишли шартномаларнинг ушбу тўловлар миқдори ва тўлов муддатларига оид шартларига асосан аниқланади.

Аудитор, шунингдек, ҳисобот даврида молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига асоссиз ҳолда солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар томонидан қўлланган жарима суммалари, мол-мулкни бепул беришдан ҳосил бўладиган зарарлар ва бошқалар киритиш ҳолларини аниқлаши лозим, зеро ушбу харажатлар давр харажатлари таркибига киритилади.

Бундан кейин, аудитор корхонада амалда соф фойдадан фойдаланиш тартиби ва у ҳисоб сиёсатида ифодаланган тартибга мувофиқлигини аниқлайди. Бухгалтерия томонидан ҳисобланган ялпи даромад, асосий фаолиятдан олинган фойда, умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда, солиққа тортилгунга қадар фойда ва соф фойда, фойда солиғи бўйича имтиёзлар кўрсаткичларини арифметик ҳисоб-китоб йўли билан текшириш мақсадга мувофиқдир.

Текширув якунида аудитор молиявий натижаларни шакллантириш ва фойдадан фойдаланиш ҳисоби ҳисобварақлари бўйича, жумладан, балансни реформацияси бўйича операцияларни текширган ҳолда, ҳисобварақлар корреспондентланиши чизмалари тўғри танлаб олинганлигини аниқлаши лозим. Балансинг реформацияси йил охирида амалга оширилади ва фойда ва фойдадан фойдаланиш ҳисобварақлари ёпилишини кўзда тутлади.

Текширув жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни аудитор ўз ишчи ҳужжатларида қайд этади.

Молиявий натижалар ва фойдадан фойдаланишда кўпинча қуйидаги хатолар содир этилади:

- Молиявий харажатлар таркибига солиқ ва бошқа назорат қилувчи идоралар томонидан қўлланган жарима суммаларини киритиш;
- Ҳисобот давридаги фойдадан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш;
- Бошқа даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатларни акс этилишида ҳисобварақлар нотўғри корреспондентланиши;
- Фойдадан қонунчиликда кўзда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш.

3.2. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижаларини шакллантириш ва фойдадан фойдаланиш аудити

Аудитор ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасининг фойдаси (даромади)ни ва молиявий ҳолатини текширишда қуйидагиларни пухта ўрганиши лозим: тайёр маҳсулотлар, товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган фойдалар ёки кўрилган зарарлар; давр сарфлари, уларнинг асосланганлиги, тасдиқланган сметага мувофиқлиги ва молиявий натижага таъсири.

Бунда, жумладан, қуйидагиларни таҳлил қилиш зарур: асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (бино ва иншоотларни бузиш ва бўлаклаш, қурилмаларни демонтаж қилиш ва шунга ўхшашлар), асосий воситаларни бошқа ташкилотлар ва корхоналарга сотиш ёки беришда пайдо бўлган зарарлар; номоддий активларни бошқа корхона ва ташкилотларга сотиш ёки беришда пайдо бўлган зарарлар; айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан кўрилган зарарлар; жарималар, пенялар ва неустойкалар тўлаш билан боғлиқ зарарлар; асосий фаолиятдан олинadиган фойда, бошқа даромадлар ва бошқа тушумлар ҳисобидан захира қилиниб, бошқа корхоналар ва ташкилотлар (чет элликларни ҳам кўшиб), шунингдек айрим шахслар билан ҳисоб-китобларга доир шубҳали қарзлар суммалари; «Бошқа даромадлар ва тушумлар» га қуйидагилар киради: корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан олинган даромадлар; даъво муддати ўтиб кетган, кредитор ва депонентга ўтказилган қарзларни ҳисобдан ўчиришдан олинган даромадлар; ундирилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва хўжалик шартномасининг бошқа шартларини бузганлиги учун ундириладиган бошқа турдаги санкциялар; корхона ичидаги ошхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалардан олинadиган даромадлар ва тушумлар; молиявий фаолиятга доир даромадлар ва сарфлар. Бунда молиявий фаолиятдан олинadиган даромадларни ҳисобга оладиган счёлар (9500) гуруҳи бўйича 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560 ва 9590 счётлар очилиб, даромадлар тегишли тарзда ҳисобга олиб борилганлиги текширилади. Молиявий фаолиятдан кўрилган зарарларни текширишда аудитор молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оладиган 9610, 9620, 9630 ва 9690 счётларнинг маълумотларини ҳам текширади.

Шунингдек, фавқулодда олинган фойдалар ва кўрилган зарарлар ҳам текширилиши лозим. Бунда аудитор 9710«Фавқулодда олинган фойда» ва 9720«Фавқулодда кўрилган зарар» счётларининг аналитик ҳисоби ва

дастлабки ҳужжатлар маълумотларини текшириши зарур. «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг шарҳларида кўрсатилишича, хорижий давлатлар амалиётида фавқулодда зарарларга қуйидагилар киради: табиий офатдан кўрилган катта йўқотишлар; уруш ва бошқа сиёсий нотинчликлар натижасида кўрилган йўқотишлар; мамлакатда қонунчилигининг ўзгариши натижасида кўрилган йўқотишлар, масалан, хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш (национализация) ҳақида қарор қабул қилиш, айрим фаолият турларини таъқиқлаш ва бошқалар. Бунда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: фавқулодда йўқотишлар метеорологик, сейсмик ва бошқа тегишли хизматларнинг содир бўлган табиий офатлар тўғрисидаги маълумотлари билан тасдиқланиши; корхона мулклари фавқулодда ходисалардан суғурта қилинганлиги ва бошқалар.

Аудитор молиявий натижаларни текширишда қуйидагиларни ҳам аниқлаши лозим: бюджетга солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши; шубҳали қарзлар бўйича захиралар яратилишининг тўғрилиги; фойданинг корхона иштирокчилари ўртасида ўз вақтида ва тўғри тақсимланиши; акциядорларга дивидендлар тўлашнинг тўғрилиги.

Яратилаётган захиралар суммаси 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти(жорий йилнинг якуний ҳисоб-китоби бўйича) ёки 8710-«Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси» счёти (олдинги йилдаги фойда ҳисобидан) дебети ва 4910 «Шубҳали қарзлар бўйича захиралар» счёти кредитида акс эттирилади.

Ушбу масалани кўриб чиқишда аудитор қуйидагиларни текшириши лозим: шубҳали қарзлар бўйича захира яратиш учун зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги (корхона дебитор қарзларининг инвентаризация рўйхати, солиштириш далолатномалари, тўловга лаёқатсизлик ҳақида

маълумотнома ва б); шубҳали деб тан олинган қарзларни ҳисобдан ўчиришнинг тўғрилиги; ишлатилмаган шубҳали қарзлар бўйича захира суммаларининг тегишли йил фойдасига қўшилиши.

Айрим тармоқларнинг корхоналари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги рухсати билан таъмирлаш ишлари ўтказиш учун маблағлар захираси яратадилар. Агар таъмирланадиган асосий воситалар ишлаб чиқариш учун тайинланган ва шу жараёнда ишлатиладиган бўлса, бу захирага қилинадиган ажратмалар маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатлари таркибига «бошқа харажатлар» элементи бўйича қўшилади. Захира ҳажми таъмирлаш ишлари учун кутилаётган харажатлар қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Аудитор таъмирлаш ишлари учун захираларнинг тўғри ташкил этилиши ва ишлатилишини текшириши зарур. Бунда қуйидагилар текширилади: Захира яратиш учун Молия Вазирлигининг рухсати борлиги; таъмирлаш ўтказиш учун смета ва титул рўйхати; захиралардан фойдаланишни ҳисобда акс эттиришнинг тўғрилиги; тўлалиги ва ўз вақтидалиги; фойдаланилмаган захира қолдиғи қолганда «сторно» қилиш йўли билан захираларни ёпиш; дебет 2010, 2310, 2510 кредит 8910 «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар захираси» («Асосий воситаларни таъмирлашга доир келгусидаги харажатлар захираси» аналитик счёти).

Давр харажатларига киритиладиган харажатлар таркиби «Маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархига қўшиладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ аниқланади.

Аудитор давр сарфларини ҳисобга олишни ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг тўғрилигини назорат қилиш мақсадида қуйидагиларни текшириши лозим: давр сарфларини ҳисобга оладиган:

9410-«Сотиш харажатлари», 9420 - «Маъмурий харажатлар», 9430-«Бошқа операцион харажатлар», 9440-«Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари» бўйича ўз вақтида, ишонарли ва тўлиқ акс эттирилишининг таъминланиши; маъмурий-бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш ҳақидаги Низом, лавозим маошларининг белгиланган харажатлар сметасига риоя қилиниши устидан назоратнинг таъминланиши.

Қуйидаги харажатларни давр сарфларига киритишнинг асосланганлиги ва ўз вақтидалиги: реклама харажатлари (нашриётда эълон қилиш, радиодан эшиттириш ва телевидение орқали кўрсатиш, реклама маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва чоп этиш, стендлар ва шитлар тайёрлаш, видео ва диафильмлар намойиш этиш ва бошқалар); корхонанинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва хориждаги ярмаркалар ва кўргазмаларда иштирок этишига доир харажатлар (экспонатларни тайёрлаш ва етказиб бериш, моделлар ва макетлар тайёрлаш, адабиётлар ва техник ҳужжатларни нашр қилиш); маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш билан боғлиқ сарфлар; божхона тадбирлари учун тўловлар; импорт муомалаларини амалга оширишда воситачилик қиладиган ташкилотларга тўланадиган комисион тўловлар суммалари; божхона тўловлари, шунингдек, товарлар ва бошқа мулкларни импорт қилиш билан боғлиқ бўлган божхонада амалга ошириладиган расмийлаштириш ўтказиш учун тўловлар; материал қийматликларни сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари; белгиланган меъёрлар ва бошқарув томонидан тасдиқланган сметалар доирасидаги корхона фаолияти билан боғлиқ вакиллик харажатлари (штатда турмайдиган таржимонлар хизматига ҳақ тўлаш, ишчи музокаралар вақтида чет эллик вакилларнинг расмий қабулини ўтказишга доир харажатлар).

Бунда қилинган харажатларнинг асосланганлиги ва тасдиқловчи хужжатлар (счётлар, дўконлар ва ресторанларнинг чеклари ва бошқалар)нинг мавжудлигига алоҳида эътибор бериш зарур.

Аудитор ушбу харажатларни текширишда 9610, 9620, 9630 ва 9690-счётлар бўйича ҳисоб ёзувларини текширувдан ўтказиб, уларнинг «Низом»га мувофиқлиги ва счётларда тўғри акс эттирилганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни текшириш учун аудитор 9510, 9520, 9530, 9540, 9550, 9560 ва 9590-счётларнинг маълумотларини ўрганиб, уларнинг қонунийлигини ва счётларда тўғри акс эттирилганлигини аниқлайди.

Фавқулодда зарарлар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ходисалар ёки муомалалар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлардир. Бунга фавқулодда ва давр харажатлари таркибида акс эттирилиши керак бўлган ўтган давр харажатлари кирмайди.

У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ эмаслик.

Тегишли моддаларни фавқулодда зарарлар қаторига киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарорлар қабул қилишда ишлар амалга ошириладиган шароитларни ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект алоҳида иқлим шароитларида жойлашган бўлса, у ҳолда иқлим шароитларига боғлиқ ҳолдаги ишламай туриб қолишлар фавқулодда деб баҳоланиши мумкин эмас, чунки ушбу модда

«бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак» мезонига жавоб бермайди.

Фавқулодда фойда моддалари – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолият доирасидан четга чиқадиган тусдаги муомалалар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган, ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Фавқулодда олинган фойда (кўрилган) зарарлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўғри шаклланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун аудитор томонидан 9710 –«Фавқулодда олинган фойда» ва 9720-«Фавқулодда кўрилган зарар» сўётлар маълумотлари ўрганилади.

Шунингдек, аудитор «Низом»нинг 1-иловасига мувофиқ солиққа тортиладиган базага қўшилиши лозим бўлган, молиявий фаолиятга доир сарфларни ҳам текшириши зарур

Аудитор молиявий фаолиятга доир харажатлар ва даромадлар ҳамда фавқулодда олинган фойда (кўрилган зарар)ларни текширишнинг барча жиҳатларини ўзининг ишчи хужжатларида қайд қилиб боради.

Аудиторлик текшируви шу нарсани ишончли тарзда намоён этадики, ҳисоб ходимларининг заиф малакаси туфайли айрим ташкилотларда молиявий натижаларни асоссиз равишда шакллантирадилар ва бухгалтерия ҳисобидаги фойдадан фойдаланишни нотўғри акс эттирадилар. Шу боис, шу нарсани билиш лозимки, молиявий натижалар маҳсулот(иш, хизмат)лар, асосий воситалар, номоддий активлар, турли моддий бойликлар ва бошқа мулкни сотишдан вужудга келади.

Молиявий натижа сотишдан ташқари даромадлар деб аталувчи сотиш ва бошқа мулк чиқаруви билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларда ҳам аниқланиши мумкин. Бунга бошқа ташкилотлар улушли иштирокидан

тушган даромадлар; акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда бошқа қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар; мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар; қарздор томонидан хўжалик шартомалари шартларини бузганлиги учун тўланадиган ёки тан олинган жарималар, пенялар, устамалар ва жазонинг бошқа турлари, шунингдек, кўрилган зарарни ундиришдан келадиган даромадлар; ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси; валюта счёtlари, шунингдек, чет эл валютасидаги ишлар бўйича ижобий курс фарқлари; ишлаб чиқариш ва маҳсулот(иш, хизмат)лар сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган ишлардан келадиган бошқа даромадлар киради.

Баланс фойдасини камайтиришга (солиқ солиш) (9910-счёti дебет) кирадиган сотишдан ташқари чиқимлар (зарар)га қуйидагилар киритилади: бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича чиқимлар; ташқи сабаблар бўйича туриб қолишдан кўрилган, айбдорлардан ундириб олинмайдиган зарарлар; суд харажатлари; шартнома шартларини бузганлиги учун олинадиган жарималар, пенялар ёки жазонинг бошқа турлари, шунингдек, етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар; шубҳали қарзлар; дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, уларга биноан даъво муддати ўтиб кетган бўлади; жорий йилларда аниқланган ўтган йиллардаги ишлар бўйича кўрилган зарарлар; айбдорлар аниқланмаган ёки шахс айбдорлиги суд томонидан инкор этилган ўғирликлар ва мулк камомадидан кўрилган зарарлар; чет эл валютасидаги салбий курс фарқлари; молиявий натижалар ҳисобига қонунда белгиланган тартибга мувофиқ тўланадиган алоҳида солиқ ва йиғим турларига ҳақ тўлаш бўйича кетадиган бошқа харажатлар ва ҳоказо.

Якуний молиявий натижа кўрсаткичларининг ишончлилигини белгилаш учун аудитор ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар ҳисоби ва маҳсулот(иш, хизмат)лар таннаrxини ҳисобдан чиқариш туғрилигини; бюджетдан ташқари тўловлар бўйича молиявий органлар, дебиторлар ва

кредиторлар билан нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоблар шаклидаги тўловлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китобларини текшириши лозим.

Йил якунида тақсимланмаган фойда суммасига фойдани камайтириш амалга оширилади(9910 – счёт дебетида ва 8710 – счёт кредити деб ёзиб кўйилади). (Тақсимланмаган фойда суммаси ва ҳисобот йили зарари 9910 – счёт ҳисобдан 8710 – “Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)” ҳисобига кўчириб ёзилади.)

Молиявий натижаларни текшириш чоғида аудитор фойда солиғи бадалини бюджетга ўз вақтида ўтказилиши ва счётга ёзиб кўйишнинг тўғрилигини;

- махсус фондлар ташкил этишнинг тўғрилигини;
- таъсисчилар ўртасида фойда(дивиденднинг бир қисми)ни тақсимлашнинг тўғрилигини текшириш зарур.

“Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисобот аудитининг мақсади молиявий ҳисобот маълумотларининг тўлиқлиги ва ишончлилигини, улар амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини текширишдан иборат.

Ҳисобот даврида аудит ўтказиш учун маълумот материаллари корхонанинг ҳисоб регистрлари – Бош китоб, журнал-ордерлар ёки мемориал ордерлар, синтетик ва таҳлилий ҳисобнинг айланма қайдномалари, ҳисоб-китоб-тўлов қайдномалари, шахсий ҳисобварақлар, таҳлилий ҳисобварақлари ва бошқалардан олинади.

Ёппасига ёки танлаб олиб текширув ўтказилганда аудитор ҳисоб регистрларида бухгалтерия счётлари, қайд этилган регистрларда хўжалик операциялари иқтисодий мазмунидан келиб чиқиб, тўғри корреспондентланганини баҳолаши ва келажакда тўғрилаш мақсадида, тасодифан содир этилган хатоларни ва тасодифий нотўғри бухгалтерия ёзувларини (ўтказмаларини) аниқлаши лозим. Шунинг билан бир қаторда, ҳисобот маълумотлари, айниқса, корхона молиявий фаолияти натижаларини тавсифловчи кўрсаткичларни, унинг асосий айланма

активлар миқдорини, ўзининг молиявий ва мулкӣ ҳолатини яхши томондан кўрсатиш учун бошқа корхоналар ва банкларга бўлган қарзларни яшириб кўрсатиш мақсадида атайлаб содир этилган хатолар аниқланади ва булар ҳақида корхона раҳбариятига маълумот тақдим этадилар.

Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги ёзувлар асосли равишда амалга оширилганлигининг текширувидан кейин, Бош китобдаги ёзувлар журнал-ордер ёки мемориал-ордер каби ҳисоб регистрларидаги ёзувларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш учун, ҳисоб регистрлари тўғри тузилганлигининг текшириш имкони яратилади. Ўз навбатида, журнал-ордерлар тўғри тўлдирилганлиги амалда молиявий ҳисобот кўрсаткичлари ҳақиқийлигини таъминлайди.

Корхонада ҳисоб регистрларининг таркиби ва мазмуни қўлланиладиган бухгалтерия шакли билан белгиланади. Ҳисоб тўлиқ компьютерлашган шароитларида ҳам ҳисоб маълумотларини нашрга чиқариш йўли билан керакли бўлган ҳисоб регистрлари йиғиндиси тайёрланади.

Ҳисоб регистрларининг текширувида қуйидаги саволлар ўрганилиши лозим:

- ҳисоб регистрларининг тўплами корхона хўжалик операцияларини тўлиқ акс этишлиги;
- ушбу регистрлар фойдаланиш учун қулайлиги ва улар етарли даражада яққол ва равшанлиги, катта ҳажмдаги маълумот манбаларига эгалиги, керакли бўлган ҳисобот тайёрлаш ва иқтисодий таҳлилда ишлатиш учун яроқлилиги;
- улар ҳисоб ёзувлари тўлиқ ва тўғрилиги назоратини таъминлаган ҳолда бир бирига ва Бош китобга мувофиқлиги.

Аудитор турли корхоналарда, турли ҳил ҳисоб регистрлари қўлланишига, бу ҳисоб жараёнини тўлиқ таъминласа ва корхона учун қулай бўлса, агар маълум бир корхонада бир вақтни ўзида журнал-ордер

шаклига мансуб бўлган журнал-ордерлар ва ҳисоб юритишнинг мемориал-ордер шаклида қўлланиладиган ҳисобнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича айланма қайдномалар(айланма баланслар) қўлланилишига тайёр бўлиши ва инкор этмаслиги лозим.

Хулоса

Бухгалтерия ҳисобининг барча объектларида бўлгани каби молиявий натижаларнинг шаклланиши ва тақсимланиши ҳисоби борасида ҳам ҳисоб ишларини замонавий талаблар асосида қуришга бўлаётган интилиш, шак-шубҳасиз, бу борадаги муаммоларни баратараф этишга хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг юқоридаги молиявий натижалар шакллантиришнинг ҳозирги ҳолати, бу борадаги камчиликлар, уларни баратараф этишнинг имкониятлари кўрсатиб ўтилди. Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, молиявий натижалар шаклланиши борасидаги муаммолар ва уларни баратараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Соф фойданинг тақсимот қаторида жамғариш ва истеъмолга йўналтирилган маблағларни уларни шакли ва ишлатиш ўрни бўйича алоҳида юритиш, улар тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботга илова сифатида киритиш лозим.

2. Молиявий ҳисоботни тузишда молиявий натижаларнинг юзага чиқиши ва шаклланиши бўйича ҳисоб қаторига тўғридан-тўғри боғланувчанлигини белгилаш лозим. Молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича молиявий ҳисоботда фақат жамланган маълумотларгина акс этмоғи лозим. Уларнинг юзага чиқиш ўрни ва шакли бўйича алоҳидалашган шартли молиявий ҳисоботга тушунтиришларда берилиши лозим.

3. Шунингдек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларида ўтган йил даражасини таққослаш базаси сифатида ололмаймиз. Сабабки, улар ўзаро таққослаш асосига келтирилмаган. Шу маънода ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларни йил бўйича жамланган кўрсаткич сифатида, ҳисобот йилининг шу давридаги маълумотларини эса чорак бўйича кўрсаткичлар тартибида юритиш

мақсадли ҳисобланади. Бу эса таҳлил ишларини анча осонлаштиради ва уларнинг ўзаро боғланувчанлигини таъминлайди.

4. Ҳисобот даврининг фойдаси (зарари)ни умумлаштирувчи кўрсаткичи маҳсулот таннархига унга тааллуқли бўлмаган харажатларнинг кўшилиши ҳолатларини аниқлашда, шунингдек солиққа тортиш объекти ҳисобланадиган фойданинг нотўғри ҳисобланганлигини аниқлаш мақсадида текширилади.

Молиявий натижаларнинг нотўғри шаклланиш ҳолатлари юзага келишининг 4 та асосий гуруҳини келтириб ўтишимиз мумкин:

- моддий харажатлар, товар-моддий захиралар камомати, даргумон қарзлар бўйича харажатлар миқдорининг асосланмаган кўпайтирилиши ёки камайтирилиши оқибатида бюджетга тўланадиган тўловлар миқдорини аниқлаш учун олинадиган фойда ҳажмининг ўзгариши;

- бухгалтерия балансининг пассив томонида акс этадиган ва махсус манбалар ҳисобидан қопланадиган харажатларнинг таннархга ўтказилиши;

- соф фойда ҳисобидан қопланадиган харажатларнинг маҳсулот таннархига киритилиши, шунингдек бошқа операцион харажатларнинг маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш бўйича молиявий натижаларнинг таркибига киритилиши натижасида солиққа тортиладиган фойда миқдорининг ўзгариши.

Фикримизча, бу каби ҳолатларнинг ўз вақтида аниқланиши ва тузатилиши молиявий натижалар ҳисоби ва аудитининг тўғри юритишини таъминлаш билан биргаликда ҳисобот даври якуний бўйича олган молиявий натижаси бўйича ишончли ахборот шаклланиши имконини беради.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётда кенг қўлланилиши молиявий натижалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1.1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: “Ўзбекистон”, 2002.

1.2.Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси: Расмий нашр-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.-Т.: «Адолат », 2008 й.-692 б.

1.3.Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни - Тошкент 1996 й. 30 август.

1.4.Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й. 26 май. (Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎЗР. 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни, ЎЗР. 04.04.2006 й. ЎРҚ-28-сон Қонуни, ЎЗР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ЎЗР. 17.09.2007 й. ЎРҚ-110-сон Қонуни, ЎЗР. 09.09.2009 й. ЎРҚ-216-сон Қонуни асосида)

1.5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон Қарорига 2-илова «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида» Низом.

1.6.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарорига илова «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида» Низом.

1.7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон Қарори - «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида».

1.8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. -Т.: «Ўзбекистон», 2013 йил 19 январ 52 б.

1.9. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом еттириш йили бўлади” Т.: “Ўзбекистон”, 2014 йил 18 январ 64 б.

1.10. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир –Т. Ўзбекистон. 2015 й 74 б.

II. Асосий адабиётлар

2.1. Абдуллаев А. «Молиявий ҳисоб».— Т.: «Фан ва техналогия», 2005 йил. 286 б.

2.2. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб». – Т.: «Шарқ» НМАК, 2000 йил. 476 б.

2.3 Ваҳобов А.В., Ишонқулов Н.Ф., Иброхимов А.Т. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. Дарслик. Т.; Иқтисод-Молия, 2013. -600 б.

2.4. Очилов И. «Молиявий ҳисоб».—Т.: «Иқтисод ва молия», 2006 йил. 396 б.

2.5. Ваҳобов А., Ибрагимов А. «Молиявий таҳлил».—Т.:«Шарқ» НМАК, 2002 йил.290 б.

2.6 Иткин Ю., Сотиволдиев А.С. «Замонавий бухгалтерия ҳисоби».Т.:2002 йил. 396 б.

2.7. Тўлаходжаева М.М., Илхомов Ш.И., Ахмаджонов К.Б. ва бошқалар. Аудит. Дарслик. 1 ва 2 жилдлар. -Тошкент:. НОРМА. 2008 йил.360 б.

2.8. Аудиторлик фаолияти буйича услубий қўлланмалар тўплами./ Х.Қосимов, Л.Югай, А.Хошимова, Б.Пардаев, Б.Абдуназаров.-Тошкент, 2010.-320 б.

2.9. Дўсмуратов Р.Д. Аудит. Ўқув қўлланма (I қисм). Р.Д. Дўсмуратов, Ш. Файзийев. - Т.: "Иқтисод-молия", 2008. - 178 б.

2.10. Дўстмуратов Р.Д. Аудит. Ўқув қўлланма. (II қисм)./ Р.Д. Дўстмуратов, Ш. Файзийев. - Т.: "Иқтисод-молия", 2008. - 256 б.

2.11. Каримов А. ва бошқ. Аудит. Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2008. – 180 б.

2.12. Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик – Тошкент: Шарқ НМАК, 2004. – 592 б.

2.13. Шоғиёсов Т. Комплекс иқтисодий таҳлил. Дарслик. –Т.: “Фан ва технология” 2012. – 278 б.

2.14. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. – Т.: Ўзбекистан миллий энциклопедияси. 2003. – 612 б.

III. Интернет сайтлари:

www.ziynet.uz

www.tfi.uz

www.lex.uz

<http://www.audit-it.ru>

<http://www.analitic.ru>

<http://www.buh.ru/documents.aspx>

<http://www.bookpost.ru>

<http://www.cfin.ru/finanalizis/>

<http://www.optim.ru/fin>

<http://www.soliq.uz>

www.gaap.ru

www.accountingreforms.ru

